



Баҳоси 3 тийин.

Совет раҳбари СССР ҳафз ҳужалиғини техникави қайта қуриғини кенг в пухта программасини олг сурди, деб утиқарила Американинг «Лос-Анжелес таймс» газетаси. Михаил Горбачевнинг доқладида гап совети экономикасини ялғиса сифат билан ривожлантириғини ишлаб чиқариғини структурини рағий қайта қуриғини

тижада заправка қилиш учун
шаҳар ичида у ёқдан-бу ёқ-
қа кўплаб километр қатнаб
юрингса чек кўйибди.

МУҚАДДАС БУРЧ

МАМЛАКАТИМИЗ медицина ходимларининг бу йилги байрами «КПССнинг XXVII съездини соғлиқни сақлаш ишларида юқори сифат кўрсаткичларига эришиш ва ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли аяқлаш» шiori остида нишонланмоқда. Пойтахтдаги шифокорлари ҳам ўзларининг касб байрамларини меҳнатда муносиб туғфалар билан кутиб олмақдалар.

Медицина ходимлари барча совет кишилари қатори КПСС Марказий Комитетининг шу йилги март ва апрель пленумлари қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш учун барча резерв ва имкониятларни ишга солимоқдалар.

Шуни таъкидлаш керакки, ўн биринчи беш йиллик давомида тармоғимизнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аҳоли саломатлигини яхшилаш учун ислоҳ қилинган даражада гамхўрлик қилинмоқда.

Агар 1980 йилда областимизда соғлиқни сақлаш ишларида 70 миллион сўмдан зиёд маблаг ажратилган бўлса, бу йил унинг миқдори 86 ярим миллион сўмдан ошиб кетди. Беш йилликнинг ўтган даври мобайнида қўшимча 1 минг 105 киши даволандиган шифохоналар, ҳар сменада 2 минг 280 беморни қабул қила оладиган поликлиникалар қуриб, фойдаланишга топширилди. Хусусан, Бекобод шаҳридаги 375 ўринли кўп профили касалхона, Янги-Йўлдаги болалар шифохонаси, област марказий касалхонаси, Калинин районидаги юз ўринли туғруқхона ана шулар жумласидандир. Шунингдек, коммунистик районидagi янги поликлиника, Янги-Йўл шаҳридаги шифохона ва бошқа қатор медицина муассасалари ҳам ўн биринчи беш йиллик меъасидир.

Кейинги вақтларда, айниқса, қишлоқ районларида медицина хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш масаласига эътибор кучайтирилди, жум-

ладан, 43 та қишлоқ даволаш амбулаторияси, 25 та фельдшерлик, акушерлик пунктлари, 16 та аптека ишга туширилди. Коммунистик шаҳарликдан тушган маблағнинг 1 миллион сўми пойтахтдаги ва Тошкент шаҳридаги медицина муассасалари бунёд этишга сарф қилинди.

Бугунги кунда 21 минг 750 ўринли 139 касалхонада беморларни стационар йўли билан даволаш ишлари амалга оширилмоқда. 275 муассаса эса беморларга амбулатория ва поликлиника хизмати кўрсатмоқда.

Кейинги йилларда областимизда йирик корхоналар, колхоз ва совхозлар маблагидан кооперация йўли билан медицина муассасалари барпо этишда катта тажриба тўпланди. Жумладан, Чирчиқдаги «Электромашини» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон металлургия заводи, трести, Ўзбекистон, Ўзбекистон, Паркент ва Тошкент районлари ҳўжалиқларида ишга туширилган қатор шифохоналарда меҳнаткашлар ўз вақтида даволанмоқдалар. Ангрен шаҳри, Ўзбекистон коммунистик районларида дистанцион диагностика кабинетлари, касалликнинг олдин олши ва даволаш бўлиmlарининг ишга туширилиши аҳолига кечиктирмай медицина хизмати кўрсатишни бир мунча яхшилади.

Ўн биринчи беш йиллик давомида болалар касалхоналари барпо этиш 15,5 процент, туғруқхоналар 13 процент кўпайди. Жойларда соғлом туғилган болаларни парваришлаш учун деярли ҳамма шароитлар яратиб берилди. Ҳозир областимизда 17 та сут корхонаси фаолият кўрсатишда, уларда ҳар суткада 16 турда 115 минг порция сут маҳсулотлари тайёрланмоқда. Қишлоқ касалхоналари ва амбулаторияларида ана шу маҳсулотларни тарқатадиган 119 пункт ишлаб турибди. Бугунги кунда қишлоқ участка касалхоналарининг қув-

вати ўртача 68, район марказий касалхоналарининг қуввати эса 369 ўринга етказилди. Бу шифохоналарда ҳозир аҳолига мутахассислар медицина хизматининг 30 тури бўйича хизмат қилишляпти.

Тармоқдаги мутахассис кадрларнинг низоҳатда тажрибали бўлиши, шифокорлик касамедига содиқ иш тутиши руҳида тарбиялаш пар-

тия, касабга союз ва комсомол ташкилотларининг бирлашчи вазифасидир.

Медицина муассасаларида фаолият кўрсатган 4 минг 634 нафар врач ва 17 минг 545 нафар ўрта маълумотли медицина ходимлари аҳоли саломатлигини сақлашда сиқидилган фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 300 та яқини СССР орден ва медаллари билан тақдирланган.

255 нафарига эса «Соғлиқни сақлаш аълочиси» нишони берилган.

Шифокорларимиз партия ва ҳукуматимизнинг ичкиликбозлик ва алкоғолизмни бартаф этиш юзасидан тадбирлар тўғрисидаги қарорини астойдил маъқуллаб, қўлаб-қувватламоқдалар. Чунки жамиятимизга иллат бўлиб ёпишиб олган ичкиликбозлик инсон саломатлигига катта путур етказяпти. Арақхўрликка қарши кураш барча совет кишиларининг, хусусан, шифокорларнинг айна кунлардаги муҳим вазифаларидан биридир. Шу мақсадда областимизда аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ҳозирнинг ўзида жойларда 26 та наркология пунктлари ташкил этилди. Бу кўрсаткич яқин кунларда 72 тага етказилди. Шунингдек, област ва районлараро наркология диспансерларини ишга тушириш ҳам шу кеча-кундуздаги вазифаларимиздир. Шу билан бир қаторда санитария маорифи уйининг врачлари ва област медицина муассасаларининг мутахассисларидан иборат ната группа областимиз ишлаб чиқариш коллективларида бўлиб, ишчилар, қурувчилар, транспортчилар, колхозчи ва совхоз ишчилари даърасида алкоғолизмнинг зарари ху-

сусида лекция ва суҳбатлар ўтказялтилар.

Ўзларининг анъанавий байрамларини нишонлаётган шифокорларимиз бундан буён ҳам партия, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилашга, гишлоқ поликлиникалари ва шифохоналарини малакали кадрлар билан таъминлашга ҳаракат қилаверадилар. Бу биз — шифокорларнинг муқаддас бурчимиздир.

Ж. ХУЖАЕВ,
Тошкентдаги санитари маорифи уйининг бош врач.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ


«ЧИНОБОД»ДАН МИННАТДОРМИЗ

Биз, Улуғ Ватан уруши ветеранлари партия ва ҳукуматимизнинг бизга кўрсатган катта гамхўрлигидан бениҳоя миннатдоримиз. Иттифоқимизнинг истаган бурчадаги йилда бир марта беул дам олиш ҳуқуқига эгамиз. «Чинобод» санаториясидан 12-корпус уруш ветеранларига ажратилган. Бу ерда бир-бирдан хушмуомала, ширинсухан, қўли енгил шифокорлар ишлашляпти. Санатория бош врач Раҳим Отабековнинг шахсан ўзлари бизлардан ҳар кун хабар олиб турадилар, аҳоли ва камчиликларини сўрайдилар. Қанақа камчилик бўлиши мумкин? Ҳамма нарса етарли, барча шарт-шароитлар муайян, дори-дармонлар, даволашнинг хоналари шу корпуснинг ўзида жойлашган. Биз, ветеранлар айниқса, врач Холида Очилова, медицина ҳамширалари Ёғилда Хамидова, Александра Дмитриевна Гулая хизматларидан мамнумимиз.

Санаторийда ҳар кун маданий тадбирлар ўтказилиб айланаган. Кун кеча М. Қориевнинг номидаги Ўзбекистон ССР Давлат филармониясининг Отахон Матёкубов бошчилигидаги созанда ва хонандалари ўз санъатлари билан бизни хушнуд этишди. Шунингдек, бу ерда ҳар кун кинофильмлар намойиш этилади, инсон ва қонун, атеистик, халқаро аҳвол мавзуларида қизиқарли лекция ва суҳбатлар уюштирилмоқда.

Ана шуларнинг ҳаммаси учун бу ерда дам олаётган уруш ветеранлари номидан санаторий ишчи-хизматчилари ва шифокорларига катта ташаккур билдирамиз.

Тоғаймурод МИРЗАЕВ,
2-группа инвалиди.



ОҚ ХАЛАТЛИ НАЖОТКОРЛАР

ЭЛ СОҒЛИҒИ — юрт бойлиги, дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, ҳар бир совет медицина ходими кишиларнинг бахт-саодати уларнинг сиҳат-саломатлиги билан белгиланишини жуда яхши тушунади ва ана шу эзгу мақсад йўлида фаолият кўрсатишни ўзининг муқаддас бурчи деб билади.

Область соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли марказий касалхонада ўз касбини пухта эгаллаган, малакали ва хушмуомалали шифокорлар меҳнат қилишляпти. Уларнинг бой тажрибасини ёш врач ва ҳамширалар ҳам кунт билан ўрганмоқдалар. Шифохона замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозлан-

ган, бу ерда беморларнинг қисқа муддат ичида даво олишлари учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Касалхонанинг оқ халатли нажоткорлари ўзларининг касб байрамларини улкан ютуқлар билан кутиб олмақдалар. Биз шифокорларни ана шу анъанавий байрам муносабати билан чин кўнгилдан табриклаб, ишларида муваффақиятлар тилаймиз. Суратларда: (юқорида) шифохонанинг бир гуруҳи медицина ходимлари; олий категорияли врачлар — терапия бўлимининг мудри Наима Якубова, неврология бўлимининг мудри Лидия Чинкова ва бош врач ўринбосари Борис Наумов беморни кўздан кечиршишмоқда (чапда).

А. Зуфаров фотолари.

ИЧКИЛИКБОЗЛИК—ЖАМИЯТИМИЗГА ЁТ ИЛЛАТ

ҚАЙТАРСА БЎЛАРКАН

МЕН ЎТТИЗ ёшимда беш нафар бола билан бева қолганман. Қўчага чиқсам ота, уйга кирсам она бўлиб рўзғор тебратдим. Нимасини айтай, урушдан кейинги оғир йиллар. Ёйишга топсам, ки-йишга тополмайман. Жонимдан ўтиб кетган кезларда болаларимга билдирмасдан йиғлаб-йиғлаб олардим.

ИЛИҚ ёз оқшоми. Истироҳат бонигади қафларнинг бирда янги ишхонамда танишган ўртоғим билан музқаймоқ еб, суҳбатлашиб ўтирдик. Кайфиятимиз яхши. Мен шундай дилкаш кишилар ишлайдиган ахил коллективга келганимдан хурсанд эдим. Дўстим кўп йиллардан бери ёзаётган докторлик диссертациясига илмий кенгаш ююри баҳо берганидан шод эди.

Нақадир хушхаво ва гўзал шахаримиз бор-а! деди завқиланб атрофга боқаркан ҳамроҳим.

Бирдан унинг авзойи ўзгарди, тескари қараб олди. Боғли қўтаришдан рўхидан асар ҳам қолмади. Бу ҳолатга тушунмай турган эдим, шу пайтда соч-соқоли ўсиб кетган, барвақт қаргани акин босган башараси ва нурсиз кўзларидан сезилиб турган бир киши келиб, ҳамроҳимнинг елкасидан қир қўли билан туртди.

— Ҳа, Собирбой, каттакон олиб бўлиб кетиб, дўстининг унутибсан-да. Сизлар шунақа... — деб алқирай бошлади. Ҳамроҳим чўнтагидан уч сўм олиб боғи кишига берди. У ҳам пулни тирноқлари ўсиқ, тирноқ қўллари билан гижимлаганча гоийб бўлди.

Шундан кейин суҳбатимиз қовушмади. Ниҳоят сўрашга жазм қилдим.

— Эй, дўстим, бунинг тафсилоти узун, — деди узоқ тин олиб.

— Майли, узун бўлса ҳам сўзланг, вақтимиз беамол-ку, — дедим.

— Бу воқеаларга узоқ йиллар бўлди.

Мана орадан йиллар ўтди. Ўғил-қизларим улғайиб, суянчилигига айланишди. Ҳаммаси ақлли-хушли бўлиб воғга етиб, турли касбларда меҳнат қилишляпти.

Лекин... Қирқта бўлса қилин бошқа, деганлари рост экан. Учинчи фарзандим Хусан нима бўлди-ю, ичиб келадиган одат чинарди. Аввалига йигитчиликда, ўтиб

кетар деб ўйладим. Йўқ, баттар бўлди. Ҳар кун ичиб келиб, қўлга илинган нарсани отиб синдиради. Хотинини бемаъни сўзлар билан ҳақоратлаб, бир-бирдан ширин фарзандларига бақиради. Унинг бу қилиғидан қуниб кетиб, қўни-қўшилардан уялман. Наҳотки, не не умидлар билан боқганим шу хунарни кўрсатса деб, ич-этимни еб ташладим. Охир-оқибат Акмал Икромов район ички ишлар бўлимига мурожаат этишдан бошқа чорамиз қолмади. Учаска инспекторимиз, майор Ҳамид Қурбонов ўғлимни меҳ-

нат-даволаниш профилакторийсига юборди. Вой, толемидан айланай, ичкилик деса онасини ҳам унутиб юборадиган ўғлим у ердан соғайиб қайтди. Ҳозир биров эўрласа ҳам ичмайди. Мен бундан ўзимда йўқ хурсандман. Хотини билан болаларининг қувонганини айтмай-сизми? Ўғлим ҳозир аввалги иш жойида меҳнат қилият. Обур-эътибори ҳам ёмон эмас.

Яқинда давлатимиз ичкиликка қарши қарор чинарди, деб эшитиб қолдим. Ўзим ўқишни билмайман, Шунинг учун набираларимга

ўқитиб эшитдим. Айни биз оналарнинг дилидаги гап-лаб бўлибди. Ичкилик касофат келтиради, деганлари ҳақ гап. У ҳаётимиздаги оғури. Шунинг кўра-била туриб ичганларга ҳайрон қоламан. Одамгарчиликдан чиқиб, ҳаётидан, соғлиғидан айрилганларга жуда-жуда раҳмим келади. Келинг, биргалишиб ичкиликка қарши ўт очайлик. Фаровон, тинч, осуда турмушимизда оғура ўрин йўқ. Ичкиликнинг уйи қувсин!

Мастура ИСРОИЛОВА.

ТУБАНЛИК

бақувват, унча-мунчага куч бермайдиган норуғул бола эди.

Қодирнинг отаси магазинда сотувчи бўлиб ишлар. Қодирнинг отаси врач эди. Қўнича Нодир билан меннинг ортқича пулим бўлмас, етипендига қаноат қилиб ўқирдик. Лекин Қодирнинг ёнида доим пул бўлар, ўзи ҳам қўли очиқ эмасми, беш-ўн сўмининг юзига қарамай ишлашларга эди. Нодир ҳам унча қийналмас эди. Лекин меннинг отам урушда бедарак йўқолиб, рўзғоримиз елғиз онамнинг бўйида қолгани учун, ҳатто олган стипендиямни ҳам онамга элтиб берам, гоҳида трамвай пулига ҳам қийналиб қолган вақтларим бўларди. Аммо ўртоқларим бунинг менга асло сездиришмас, майда ҳақражатларни ўзлари қилишляпти. Ҳатто бир кун Нодир «отр келиб қолди» ба-хоиса бийан қўлаб-қийини ҳам келтириб бергани эсимда. Олмай десам, эртасига имтиҳонда қийноб боргулек бутун кийимим бўлмагани учун мен ҳам раҳмат айтиб ола қолдим. Бундан дўстим бениҳоя хурсанд бўлган эди.

Институтда дарслар давом этарди. Қодир тез-тез бизлардан ажралдиган, бирини кун йўқ бўлиб кетадиган одат қийди. Қандайдир улфатлар тоғани ҳақида узоқ-узоқ гаплар айта бошлади. Баъзан озгиздан спиртли ичимлик иси келадиган бўлиб қолди. Биз унга танбех бермоқчи бўлсам, қўлоқ солмасди. Бизни ҳам ўша улфатларни олдиға танилди эга бошлади. Бир-ички борим. Аммо Қодирнинг ишга ўртоқлари бизга мутлақо ёқмади. Ҳаммадилари олифталарига, қўллари мўйлов қўйиб олган гаплари ҳам ёшларига номуносив, оқилтанам. Епарда учирқиқлар, бебо сўнқилар...

Қодирни янги улфатларини

дан ажратиб олишга кўп уриндик. Бўлмади. У бир кун ширакайф ҳолда келиб бизни жерий бошлади.

— Сенлар нимани биласанлар, беш кунлик дунёда йўнаб-қулиб қолди керак. Студентлик ганимат. Эртани инди уялибди, оёқ қўлинг боғлианиб қолганда ўйнол-майсанлар.

— Ичмасдан ўйин-қўлги қилса бўлмайми? — эътироз билдириш биз.

— Ичганим билан бировга ёмонлик қилишмайми? Ёни ўқишда сенлардан орқада қолпманми? (Дарҳақи-

рашмай кетишди. Шундай дилбар, ақли қизинг қадрига етмади, тентак...

Студентлик даври кўз очиб юмганча ўтиб кетди экан. Имтиҳонлар, сайрлар, ҳаяжонли дақиқалар... ширин бир хотира бўлиб қолар экан...

Шундай қилиб денг, Нодир дўстимиз Фарнога кетди, мен бўлсам шаҳарда қолдим.

— Қодир-чи? — тоқатсизланб гапни бўлдим суҳбатдошимнинг.

— У институтни битирган мактабда ишлаб юрди. Бир-ички бор ичиб келган экан, ўқитувчилар педагогика кенгашида таъбирини беришди, маъмурий ишдан бўшатибди. Шундан кейин Қодир бир жойда кунт қилиб ишламади. Охири отаси магазинга сотувчи қилиб жойлаб қўйди. Мўмай пул уни яна қўртуртирди. Энди ўтиб ичадиган бўлди. Қачон қарасангиз ё кўзи қўнгаран, ё пешонаси гурра. Илгариги тоза, ярашадиган қилиб қийини юришлари йўқ. Қачон қарасанг, шим дамоллашмади, ёна кир. Умуман одам яқинига боришга ҳазар қиладиган бўлиб қолди.

Бир оз эси қирамикан, қулоқларимкан деб отаси бир обрўли жойдан келин ҳам қилди. Қиз бечора битта бошлик бўлгунча чидади. Ниҳоят боласини кўтариб отасиникига кетиб қолди.

Қодирнинг отаси ёлғиз ўғлини бу қадар тубанлиқиб кетганига чидаёлмай, дардга чалинди. Кўп ўтмай юрак ўйноғи касалдан оламдан ўтди. Она ҳам ўзини йўқотди. Чунки Қодир ичиб келганидан кейин жанжал чинар, онани ҳақорат қилар, тинимсиз пул сўраб, жонқўларига қўймас эди.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Қодирнинг отасини таъзиясига бормганимизда онаси:

— Ахир сизлар ёшликдан ўртоқсизлар, бундай тўғри йўлга босаларинг бўлмайми? — деди юм-юм йиғлаб.

Биз учун ўша муштлар онанинг дашмоми нақадар оғир ботганини билсангиз эди. Дўстимизнинг шу аҳволга тушиб кетишига биз ҳам айбдор эдик, албатта. Қайтариб қолаолмадик. Ичкилик шундай касофат нарса эканики, уни истеъмол қилган кишининг кўзи кўр, қулоғи нар бўлиб қоларкан. Унга на дўстларининг, на ота-онанинг гапи кор қиларкан.

Ичкилик ичабериб аллдек қомати дол бўлди. Охири дув тўқилиб тушди. Ўз гавдасини арағ кўтарадиган, гапта тушунмайдиган галчага айланди-қолди. Ичкиликнинг шундай захри қотил, душмани ботил эканлигини шу Қодир мисолида кўрдим. Шундан кейин ичкилик ичганларни қўрсам, жирканадиган бўлиб қолдим.

У — бахтсиз эди. Бахтсизлигини биз ичиб, ҳосил қилдик. Бир маҳаллар у бахтли эди. Ота-онаси, гўзал рафиқаси бор эди. Қўлалида оахт қўшини енгилли манишат деб, бой берди. Ўз бахтини ўзи ардоқламади, бир қадаҳ араққа алмашди.

Орага узоқ жимлик чўқди. Ҳамроҳим узун тин олди. Мен сўрадим.

— Фаридахон нима қилди, сўнг?

— Фаридахоннинг онласи ҳавас қилса арзигулик. Олим йигитга турмушга чиқди. Ўзи ҳам фар қандидати. Эртани жуза тутув. Улар билан борди-келидики бор.

Ҳар гап Қодир ҳақида қуйини сўрайди. «Тарбиялаб олмадинглар», — деб таъна қилди.

...Ҳибон бўйлаб қайтар эканмиз, скамейкаларнинг бирда боғи одам маст ҳолда мудраб ўтирарди. Йўловчилар ундан жирканиб, тескари қараб ўтишарди... Бу — ўша Қодир эди...

Шухрат ҚОСИМОВ.

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

ҚАРШИ ТУРИШГА

АЗМУ ҚАРОР

«ХАРАЕ» (ТАСС). Зимбабве пойтахтида Африка жанубидаги урта «Фронт бўйи» давлатлари раҳбарларининг бир кунлик кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш катнашчилари — Танзания президенти, Африка Бирлиги Ташкилотининг президенти Ж. Ньерере, Мозамбик президенти С. Машел ва Зимбабве Бош вазирлари Р. Мугабе қўша жанубидаги воқеаларнинг ривожини билан боғлиқ кўпгина масалаларни муҳокама қилдилар.

Учрашувда ирқчиларнинг Мозамбик Халқ Республикасига нисбатан қирқдорларига қарши ҳаракат қилиш мақсадида қўша чора-тадбирларни ишлаб чиқишга катта эътибор беришди. Кенгаш тугатилган кейин эълон қилинган қўша ахборотда унинг қатнашчилари Африка жанубидаги давлатлар ўрта-сида ҳамкорлигини янги, яна ҳам юқори поғонага кўтар-ишга азму қарор берганлик-лари таъкидланди.

КАНАДА ҲУКУМАТИНИНГ НОРОЗИЛИГИ

ОТТАВА. (ТАСС). АҚШ Канададан ёғоч-тахта харид қилишни чеклаш ва шу тариқа унинг иқтисодий манфаатларига жиддий эиён етказиш ниятида эканлигига қарши Оттава Вашингтонга расмий норозилик билдирди. АҚШ давлат департаментига топирилган нотада конгрессга тақдим этилган қонун лойиҳалари гаврағи-тилик руҳида эканлиги ўқитиб ўтилди. Қонун лойиҳаларининг авторлари Канададан ёғоч-тахта келтирилиши чекланишига ёни қўшимча шоялига ўриштирилиши эришиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Канада ҳукумати бу қадарларни савдо муносабатларининг таркиб тоған халқаро практикасида

«жиддий ва потенциал хавфли чеклиниш», деб баҳолади. Шуниси ақабаларлики, айни вақтда Рейган маъмурияти Оттавага АҚШга ёғоч-тахта экспорт қилишни «иҳтиёжий равишда» қисқартиришга эришиш мақсадида унга таъйиқ ўтказмоқда. Вашингтоннинг мақсади Канадага қарши қонун лойиҳаларини конгрессга тик қийштираётган Америка компанияларининг қўнглини олишдан ва айни вақтда ўз иттифоқчиси билан муносабатларни — кескинлаштир-масликдан иборатдир.

Канада Вашингтоннинг таъйинига ёни босишдан бош тортомқда. Чунки бундай ён босиш жуда катта молиявий талафотларга олиб келади.

БАРТАРАФ ЭТИБ БЎЛМАЙДИГАН ИХТИЛОФЛАР

ВАШИНГТОН. Фарбий Европада қилган беш кунлик визитдан қайтиб келган АҚШ қишлоқ хўжалик министри Жон Блок «ихтилоф-

ларни бартараф этишга муваффақ бўлишмади», деб эътироф этишга мажбур бўлди. У сафар чоғида «Умумий бозор» вакиллари билан, шунингдек Франция, Бельгия ва Нидерландия раҳбарлари билан музокаралар олиб борди.

ЙИРИК ҚУРОЛЛИ ИҶВОГАРЛИК

ДЕХЛИ. (ТАСС). «Стейтсмен» газетасининг хабар қилишига кўра, тоғ шароитида жанг ҳаракатларига ўргатилган Покистоннинг армия бўлимининг авиация мададида Хиндистон террористический Сиахин музлини ҳамда Нубра водийси районидида (Ҳамму ва Кашмир штати) бир қисмини босиб олишга уриниб кўрилар. Мана шу ҳўруж чоғида, Қўшма

Штатлар Исломобод режими таъйиб бераётган замонвий қўрол турлари ишлатишди. Хиндистон армиясининг бўлимлари ҳужумни даф этишди. Покистон кейинги ўн кун ичида мажкур районида шу билан ичкилик марта йирик қўролли иғвогарлик қилди.

Исломобод қўролли иғвогарликлар билан бир вақтда Ҳамму ва Кашмирдаги ва-

зятин беқарор қилишга қаратилган қўролчилик ҳаракатлари миқёсларини ҳам кенгайтирмоқда. Хиндистоннинг бу штатига Покистон жосуслари, шунингдек махсус таълим олган террорчу ва қўролручилари кўплаб юборилганлиги муносабати билан республиканинг чегара районларида хавфсизлик чоралари кучайтирилди, деб хабар қилди «Декан геральд» газетаси.

АМЕРИКА ЁЛЛАНГАН СОТҚИНЛАРИНИНГ ЖИНОЯТЛАРИ

МАНАҒА. (ТАСС). Деҳқонлар кўчиб ўтишга улғира олмаган янги уйлар ўрнида бурқисиб турган харобалар, ёндирилган мактабнинг «қол-диги, мина қўролри ташла-дан қишлоқ черковининг дел-ворлари — булар Америка ёлланган сотқинлари ҳужу-мига дучор бўлган Никарагуанинг Хинотгеа департаментидagi Валье қишлоғи очилган эди. Вальеи ер би-

Хабар қилинганидек, со-мосини тўдаларини бири деҳқонлар учун барпо этил-ган шу қишлоқни миномет-лардан ўқига тутган эди. Деҳқонлар ўз ҳаётидан ҳа-воитига тушиб, Гондурас би-лан чегарадоғи районлардан қўчиб кеттишган. Қўчиб келганлар учун янги уйлар барпо этилган, мактаблар, касалхона, болалар боғчаси очилган эди. Вальеи ер би-

лан иқсон қилиш учун со-мачи қаллаесарларга атичи бир соат қийос бўлди. Ми-наларнинг парчаларидан ўн икки деҳқон ҳалок бўлди. Қанча киши жароҳатланган-лиги ҳали аниқлангани йўқ.

<

БУТУНИТТИФОҚ
КЎРГАЗМАСИДА

МОСКВАДА
НАМОЙИШ
ҚИЛИНМОҚДА

ШУ КҮНЛАРДА Ватанимиз пойтахтидаги СССР Давлат картиналар галереясида Улуғ Ватан урушида совет халқи қозongan Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган ҳаваскор рассомлар асарларининг Бутуниттифоқ кўргазмаси очилди. Унда ранг-тасвир, ҳайкалтарошлик, графика ва халқ амалий санъатига оид ўн мингдан зиёд асар намоиш қилинмоқда.

Мингдан ортқ рассом иш-тирок эитатган бу кўргазманинг муаллифлари орасида 202 нафари уруш ва меҳнат ветеранлари эканлиги диққатга сазовор. Уларнинг мўйқалми яратган асарларда халқининг немиш-фашист босқинчиларига қарши курашдаги жасорати ўз ифодасини топти. Шунингдек, намоишга қўйилган асарларда эртанги кун учун қайғуриш, бутун ер юзиди тинчлик санъат қилиндек зағу орау-истаклар бўлиб туради.

Бу кўргазма учун республикамиз рассомларининг 250 дан зиёд асарлари танлаб олинган бўлиб, муаллифлар орасида Андикон, Фаргона, Наманган, пойтахт обисти, Қарақалпоғистон АССР ва Тошкент шаҳрининг ҳаваскор ижодкорларини учратамиз. Айниқса, тошкентлик ҳаваскор-рассом Ю. Бутусовнинг «1918 йил В. И. Ленин ва Ф. Э. Дзержинский Қизил майдонда» асари экспозициянинг ранг-тасвир бўлимида моҳирона бажарилган иш сифатида ажралиб турибди. Шунингдек, тошкентлик В. Капитанов, Ю. Барбаков, Г. Абдушев, Р. Абдураҳмонов ва бошқа ҳаваскор мўйқалам усталарининг асарларини ҳам томошабинлар катта қизиқиш билан томоша қилишмоқдалар.

Мазкур кўргазма тугатгандан сўнг унинг кўпгина экспонатлари мамлакатимиз бўйлаб ва социалистик давлатларда намоиш этиш учун ҳам танлаб олинади.

Т. ОДИЛБЕКОВ.

САНЪАТКОРЛАР
МЕТАЛЛУРГЛАР
ҲУЗУРИДА

ЯҚИНДА Муҳаммад Қориевнинг номидаги Ўзбекистон ССР Давлат филармониясининг «Шодлик», «Лазги», «Ғазал» ва «Ханда» ансамблларининг бир гуруҳ санъаткорлари В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводининг ишчи ва хизматчилари ҳузурини бўлишди. Санъат усталари металлургия стадионини томошабинларга ўзларининг кўй, қўшиқ ва рақсларини намоиш қилди. Тўпланганлар ҳар бир ижодий коллективнинг концерт программасини катта қизиқиш билан қарши олишди. Айниқса, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Ортиқ Отахонов, Олмахон Ҳайитова ва бадийи сўз устаси Ҳасан Йўлдошев, Ўзбекистон ССР халқ артисти Қизилархон Дўстмухамедова каби таниқли санъаткорлар иккунга эитган дилрабо қўшиқ ва рақслар, интермедиялар металлурглари ҳузурини эитди.

М. РАХМОНОВ,
Бекобод райони.

ТУРИСТЛАР
ТАЖРИБА
АЛМАШДИЛАР

«Чимен» туристик базасида ҳаваскор туристларнинг олабаст семинари бўлиб ўтди. Тўрт кун давом этган семинар-йўналишда юзга яқин турарм халқомандлари «СССРда ҳаваскорларнинг туристик лотхилари ва савҳатларини ташкил этиш ҳақида ўтказиш» қондалари билан танишдилар. Ўз ўлкаларининг туристик имкониятларини қуриб чиқишди. Топография белгилар ва жойларни аниқлашни ўргандилар.

Табият ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, поҳодларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича ўтказилган лекциялар ҳам диққат билан тингланди. Практик машғулотларда буланжак инструкторларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилди.

М. ГРОБЕР.

ЎЗБЕКИСТОНДА
ҒОР МАДАНИЯТИ
КҮНЛАРИ



ЎЗБЕКИСТОНДА Қўйи Саксония ўлкаси вакиллари иштирокида Германия Федератив Республикаси қунари яқунланмоқда.

Ўзбекистон ССР Архитекторлар союзида намоиш қилинаётган меҳмонларнинг графика ва чини, архитектура кўргазмаси томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Қўйи Саксония ўлкаси вакиллари республикамизнинг диққатга сазовор жойларида бўлиш, меҳнаткашлар ҳаёти билан яқиндан танишдилар.

Суратларда:

(чапдан) Архитекторлар союзида очилган кўргазма залда; Қўйи Саксония ўлкаси вакиллари республикамиз зиёлилари даврасида.

Р. Шарипов фотолари.



САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТМОҚДА?

«ҚОВУРҒА ҚЎШИБ
БЕРАМАН»

1 июнь, шанба кўни. Гўшт зарур бўлиб «Октябрь» полхоз бозорига тушди. Пешонасига «Гўшт» деб ёзилган улкан бинога киришнинг билан икки томонга тизилган дўкончаларда осонлиқ турган тилим-тилим гўшлар кўзи қувнатди. «Мана, истаганингча, истаган бўлакни тарозига қўйиб ол». Шошилманг, истаган бўлакни олиб бўлсиз, тушингани сувга айтинг!

Қасосб йиғит бир хари-дорга бир кило гўшт тортиб берган, ундан қўлида қолган бир ярим-икки килоча бўлакни тарозига қўйиб

беришни илтимос қилди. — Бу сон, қовурғасидан қўшиб берман, — деди у ва гўштин тарозининг бир палласига қўйди. Иккинчи паллага ҳали тош қўймай, харидордан неча кило гўшт олишни ҳам сўрамай туриб бир чеккада ажратиб-яшириб (осонлиқ эмас) қўйилган қосқунларни гўшт устига қўйди.

— Менга бу кўплик қилди, ўша бир бўлакнинг ўзи-га тош қўйинг.

— Мен сизга айтдим-ку, бизда соннинг ўзи сотилмайди—қовурға қўшиб сотилади!— деди у зарда би-

лан. — Сонинг ичидида муштумдек суяк-чи, у ҳисобга ўтмайди-ми?

— Билмадим, хоҳласангиз шу!

— «Сонга қосқун қўшиб сотилади» деган тарифни кўрсатинг-чи, бўлмаса?

— У идорада, идорамиз эса Тошкент районида.

Бу гўшт дўкони Охунбобоев селъосига қарар экан.

— Селъо райони ким?

— Насиба опа.

— Фамилияси-чи?

— Билмайман. Улар тез-тез алмашиб туради.

— Ҳа, шундай бўлади.

бери ишлайсиз?

— Ўн йил бўлди.

— Сизни алмаштириш-мабди-да.

Қўлингиздан келса сиз алмаштирасиз.

Бу гапларни редакцияга ёзиб юборишдан мақсад биргина қасосб билан бўлиб ўтган «келишмовчилик»ни ҳаётда ёритишдангина иборат эмас. Гап шунданки, шаҳар бозорларидаги кооператив гўшт савдоси дўконларининг деярли ҳаммасида аҳвол шу. Ундан сал илгарироқ бошқа бир дўконда бир кило мол гўшти олган харидорга катта пилладен оппоқ қиртилганган думалоқ суякни қўшиб берган қасосб билан бўлаётган жанжалнинг устидан чиқди. «Бир кидо мол гўшти-

га 300 грамм суяк қўшиб-шим керак» дейди қасосб ўдағайлаб. Бироқ бу ҳам расман, ҳеч қасорда ёзилмаган.

Умуман, бир килограмми 6 сўм бўлган гўштдан нега тилимлаб қўйилган хоҳлаган бўлакнинг ўзини сотиб олиш мумкин эмас, нега унга, албатта, пештахта остидаги муллақо сифатсиз бошқа гўштлирдан қўшиб керак? «Сон гўштга суяк қўшиб сотилади» деган тартиб-қоида борми?

Бу саволларга, юқоридида қасосбнинг хатти-ҳаракатига ҳазирча Тошкент район матбуот жамияти раҳбарларидан жавоб кутамиз.

Н. ЖҲАБОВЕВ,
меҳнат ветерани.

турганлигимиз учун шу ерга кўтариб чиқдик, — дейди сотувчининг ўзбошимчилигидан жиги-бийрон бўлаётган аёл.

— Билмайман, билмайман, биз ишчани фақат пивота (?) айирбошлашмиз. Қўй асосимиз тегаворманг, бўлмаса магасини ёпиб қўйман — Тоҳир Сатторов шундай деди-ю, пештахта дарчасини беритиб қўйди.

Сотувчининг шунчалик ўзбошимча бўлиб кетганли-

гининг сабабини ўйлаб ўйимизга ета олмадик. Балки раҳбарлар партия ва ҳукуматимизнинг қарорларига қарамай пивони кўпроқ сотишнинг йўли шунанга бўлади, деб унга кўрсатма бергандирлар? Ёки бу сотувчининг ўз «иختироси»ми? Бунга Акмал Икромов район озиқ-овқат савдоси идорасининг раҳбарлари жавоб бердилар, деб ўйлаймиз.

И. ИСМОИЛОВ,
шофёр.

МИНЕРАЛ СУВ ЎРНИГА ПИВО?..

КҮН авжи қизиган пайт. Шунинг учун бўлса керак кўчада ҳам одам анча сийрак. Фақат автобус бекатининг шундоққина ёнигагина да жойлашган магазин олдиди харидорлар тўпланиб туришди. Уларнинг кўпчилиги магазинга туташ корхонадан бирор юмуш билан чиққан ишчи-хизматчилар. Улар сотувчи билан келишишмапти шекилли

балад овоз билан ўз фикрларини маъқуллашмоқда. Лекин Акмал Икромов райишчоторгига қарашли 10-магазин сотувчиси Тоҳир Сатторов ҳам бундан келмоқчи эмас.

Тортишув сабабини тушуниш ва бир йўла минерал сув харид қилиш мақсадида жимгина навбатга турамиз. Шу пайт Т. Сатторов:

— Сиз ҳам ишчани ми-

нерал сувга айирбошламоқчи бўлсангиз вақтингизни бекор ўтказманг, — деди тўсатдан бунга юзланиб.

— Нега, ахир ҳамма ерда одатда шундай қилишадик-ку?

— Қасорда шундай тартиб бўлса, ўша ерга олиб бориш!

Ахир 15 донга ишчани кўтариб юриш осон эмас-ку! Магазин яқинидаги уйда

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ВИТАЛИЙ ЛОГВИН — СССР ЧЕМПИОНИ



Суратда: рапира бўйича СССР чемпиони Виталий ЛОГВИН.

Маълумки, спортнинг бу турида республикамиз спорт шарафини бир неча йиллардан бери Собир Рўзиев ва Виталий Логвинлар ҳимоя қилиб келишарди. Собир Рўзиев катта спорт билан хайрлашган, бутун умидимиз Виталий Логвиндан бўлиб қолди. Спортчимиз барча тўсиқлардан ўтиб, финалда мамлакатнинг бир неча бор чемпиони унвонига муяссар бўлган, халқаро мусобақаларнинг совриндори минсклик Александр Романков билан финалда учрашди.

Шуни айтиш керакки, кўпчилик мутахассислар ва спортчилар Виталий Логвинга қараганда кўпроқ таърибага эга бўлган А. Романков осонликча ғалабага эришса керак деган фикрда эдилар. Лекин Виталий Логвин бу тахминларнинг ҳаммасини чиплакча чиқарди.

Финал учрашуви бошлангани биланоқ спортчимиз актив ҳужумга ўтиб, ҳисобин очди. Сўнгра ютқини мустаҳкамлашга ҳаракат қилиб кўрди. Яна зарба беришга ўтди. Лекин хатога йўл қўйди. Сўнгра кураш тенглашди. Ҳисоб ҳам баравар ортди. Ҳал қилувчи дақиқалар. Ҳисоб 6:6. Ана шу пайтдан бошлаб Виталий Логвин ташаббусини тўла қўлга олди ва биринчи бўлиб зарбалар бера бошлади. Қўлга киритган устуликни унрашув охиригача сақлаб қолди, умумий 11:9 ҳисобида ғалабага эришди ва СССР чемпиони деган фахрли номга сазовор бўлди.

Тўғри, Виталий Логвин бундан ҳам йилроққ муваффақиятга эришган. У 1982 йили команда составида жаҳон чемпиони бўлган. Республикамиз қиличбозлари ўртасида ветеранлар сафидан ўрин олган В. Логвин яна йиллардек жасорат ва гайрат кўрсатиб, СССР чемпионлигининг ғолиби бўлди.



Рус тилини ўргатишга ихтисослаштирилган Генерал Панфилов номи 111-мактаб интернат республикамиз пойтахтидаги энг яхши билим масканларининг бири саналади. Бу ерда таълим олаётган 600 нафарга яқин ўқувчининг кўпчилиги рус тилини мукаммал ўрганиш билан биргаликда спортга ҳам астойдил қўнғил қўйишган. Спорт вали ва майдончалари доимо гавжум.

Эркин Аъзамов ва Галина Лахматова сингари жисмоний тарбия ўқитувчилари ёшларни физкультура ва спортга кенг жалб этишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Уларнинг ишчи ташкил этишдаги муваффақиятлари туфайли коллективнинг «Лочин» командаси вакиллари Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг 1983 йили ўтказилган интернатларaro спартакиадада ғолиб бўлишган эди. Шу йил Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига бағишланган енгил атлетика мусобақаларида ҳам мактаб ёшлари биринчи ўринни эгалладилар.

Х. ҒАФФОРОВ.

«ҚУВНОҚ
СТАРТЛАР»
ҒОЛИБИ

Бу команда қатнашчилари яқинда Тошкентдаги «Ёшлик» спорт аренасида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Қувноқ стартлар» Х республика биринчилигида қатнашшига мушарраф бўлишди. Республика бадийи музика санъати мактаб-интернати ёш спортчилари билан ўтказилган ўзаро баҳсларда ҳам уларнинг қўли балад келди. Илҳом Тожибоев, Олим Аҳмедов, Анорбий Жумабоев сингари иккинчи разрядли спортчилар ўз коллективи шарафини муваффақиятли ҳимоя қилишди.

Х. ҒАФФОРОВ.

МУСОБАҚАЛАР,
УЧРАШУВЛАР

ОҒИР АТЛЕТИКА

◆ ВОЛГОГРАДАДА СССР чемпионати давом этмоқда. Республикаимиз вакили Валерий Богучиний 52 килограммга вазишлар баҳсида икки курашда 222,5 килограмм натижага эришиб, кумуш медал билан тақдирланди.

СУВ ПОЛОСИ

◆ ЕШЛАРНИНГ Бутуниттифоқ биринчи спорт ўйинлари программаси асосида Киев шаҳрида ватерполчи-

«Меҳнат резервлари» спорт комплекси бассейни сузиш бўйича болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиларининг сезилиш масканига айланди. Бу ерда 240 га яқин ёшлар ёзи таътилининг дастлабки кунларини мароқли ўтказиб, сузиш сирларини қўнт билан эгалламоқдалар.

Суратда: ёш сузувчилар машғулот пайтида.

Л. Гусеников фотоси.

БАСКЕТБОЛ

◆ РЕПУБЛИКА кубоги мусобақалари Наманган шаҳрида бўлди. Соврини ўйинлар дўидагача тақсимланди: «Меҳнат» (Самарқанд), «Бу-ревестия» (Бухоро), «Меҳнат» (Тошкент).

ШАХМАТ

◆ БУГУН республика биринчилигида яқун асалади. Кеца кечиктирилган ўйинлар ўтказилди. Р. Зияддинов билан М. Салтаевлар пешқадамлик қилишмоқда.

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

Тошкент шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармаси

8-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

8—10 синф ҳажмида маълумотли

Йиғит ва қизларни

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

8-синф ҳажмида маълумот билан ўқиш муддати—3 йил. Уч йиллик муддатдаги таълим бўйича қабул қилинганлар озиқ-овқат, кўчаллик ва махсус кийим-бош билан таъминланадилар. Ҳарини тугатгач касб эгаллаш билан бирга ўрта маълумот тўғрисида аттестат оладилар.

Шунингдек 8-синф маълумотида эга ўқувчилар 1—2 йиллик муддатдаги таълим бўйича ҳам қабул қилинадилар ва озиқ-овқат, кўчаллик ва махсус кийим-бош билан таъминланадилар. Ҳарини тугатгач эгаллаган малакаси тўғрисида аттестат оладилар.

10-синф маълумотида эга ўқувчилар 8 ой ўқийдилар ва ойна 65 сўм миқдорда стипендия билан таъминланадилар.

Барча ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 процентини оладилар.


Билим юртида ўқиш муддати меҳнат стажига қўшиб-лади.

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича авиация санъати учун юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: учуш аппаратлари йиғувчи-слесари, робот-манипулятор соловони, рақамли программа билан бошқариладиган станоклар оператори, токар, фрезерчи, механика-йиғув ишлари слесари, сановат ускуналарнинг ремонтчи-слесари.

Билим юртида спорт секциялари ишлаб турибди, бадийи ҳаваскорлик, авиамоделилар тўғрақлари мавжуд. Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар лозим: тузилганлиги тўғрисида гувоҳнома, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, турар-жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, мактабдан характеристика, таржимаи ҳоли, медицина справки (286-форма), 8 донга фотосурат (3х4 см. ва 4х5 см.).

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, У. Юсупов кўчаси, Авиационий проезд, 10-уй (10, 44, 48, 85, 97-автобуслар; 10, 23, 27-трамвайларнинг «Ц-13 квартал» бекати). Телефон 41-89-01.

ҲАМИША
МОДАДА ВА
ЧИДАМЛИ



Қадим замонларда Хитойда тўқиш кашф этилган, табиий шойилар ўзининг майинлиги, ялтироқлиги, чиройлилиги билан бизнинг ҳозирги давримизда ҳам қўл келмоқда.

Бундай шойи газламалардан тайёрланадиган замонавий киефадаги ёзи қўйлақлар ва бошқа либослар айниқса, аёлларнинг гўзаллигини барқамол қилади. ҒАЗЛАМАЛАР СОТУВЧИ МАГАЗИНЛАР ВА УНИ-ВЕРМАГЛАР РАНГ-БАРАНГ ТУСДАГИ КРЕПДЕ-ШИН, ШИФОН, ХОН АТЛАС, ТАБИЙ ШОЙИ ҒАЗЛАМАЛАРИНИ ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА ҲА-ВОЛА ҚИЛАДИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ
БИРЛАШМАСНИНГ ЎЗБЕКИСТОН
РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).



БУГУН:

МТ-1. 9.00 — «Время». 9.40 — Телефильм. 9.50 — Кўпжа сифатли товарлар етказиб берилик. 10.20 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 10.50 — Телефильм. 11.20 — Баскетбол. Европа чемпионати. 12.40 — «Ғолиблар». 13.55 — «Оила ва мактаб». 14.25 — «Камалак». 15.00 — Дунё воқеалари. 15.15 — Болалар учун фильм. 17.25 — Сиёсий шарҳловчи Г. В. Пряхин сўхати. 17.55 — «Мўй-жизасиз мўйжизалар». 18.55 — «Ливаниннинг жануби ўт ичида». 19.35 — Концерт. 20.15 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — «Время» 22.05 — Концерт. 23.20 — Янгиликлар.

МТ-11. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — «Агар соғлом бўлай десанг». 9.30 — Телефильм. 10.30 — Мультифильмлар. 10.50 — «Тонгги почта». 11.20 — Ҳужжатли экран. 11.55 — Томск телестудиясининг программаси. 13.10 — Самбо.

УзТБ-1. 10.10 — «Ахборот». 10.25 — «Кичик боланинг катта ташвиши». Бадийи фильм. 11.30 — «Холмланди стадион». 12.00 — «Икбол». 13.20 — «Бунга ҳамма билиш ва уде-лаш керак». 18.20 — «Муш-жизалар оламига савҳат». 19.20 — «И-киликсиз яшаш учун». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Мульти-панорама. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Вре-мя». 22.05 — «Нафосет».

«Ташплудоовош» бирлаш-маси Киров район улутур-чакана савдо копоратсини 424251—424275; 424176—424200; 424201—424225; 424226 — 424250; 424251—424275; 424276—424300; 424301 — 424325 номер-лардаги йўқолган

ДАВЛАТ
КВИТАНЦИЯЛАРИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

**ТОШКЕНТ
ҲАҚИҚАТИ**
/ "Ташкентская правда" /

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА
КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ ЎЗ-
БЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕ-
ТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД
КЎЧАСИ, 32

Редактор қабулхонаси—325351; редактор ўринбосарлари —335885; 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат—325750. БУЛИМЛАР: партия турмуши—325778; сановат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ ҳўжалиги—325647; пропаганда—325556; совет қурилиши—325645; фан, маданият ва олий ўқув юртлири—325553; адабиёт ва санъат—325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; хатлар ва оммавий ишлар—334048, 325354; фелъе-тонлар—325556; фотомуҳбир—325894.

масъул секретарь—334808, 325353; секретариат—325750. БУЛИМЛАР: партия турмуши—325778; сановат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ ҳўжалиги—325647; пропаганда—325556; совет қурилиши—325645; фан, маданият ва олий ўқув юртлири—325553; адабиёт ва санъат—325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; хатлар ва оммавий ишлар—334048, 325354; фелъе-тонлар—325556; фотомуҳбир—325894.